

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/31.03.2021.Fil.78.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРМУРАТОВ ЗАЙНИДДИН РАДЖАБОВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ТАЪЛИМ”, “ИЛМ”
КОНЦЕПТЛАРИГА ОИД ПАРЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ
ТАДҚИҚИ**

**10. 00. 06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Нармуратов Зайниддин Раджабович

Инглиз ва ўзбек тилларида “таълим”, “илм” концептларига оид паремаларнинг
лингвомаданий тадқиқи3

Нармуратов Зайниддин Раджабович

Лингвокультурологическое исследование паремий с концептами “образование”,
“наука” в английском и узбекском языках29

Narmuratov Zayniddin Radjabovich

Linguoculturological study of the paremiological units on the concept of
“education”, “science” in English and Uzbek languages.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/31.03.2021.Fil.78.04
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРМУРАТОВ ЗАЙНИДДИН РАДЖАБОВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ТАЪЛИМ”, “ИЛМ”
КОНЦЕПТЛАРИГА ОИД ПАРЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ
ТАДҚИҚИ**

**10. 00. 06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.4.PhD/Fil 1063 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Термиз давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.terdu.edu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакиров Поян Уралович
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мирсанов Гайбулла Кулмуродович
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Қурбонов Парда Аҳмедович
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 03/31 03.2021.Fil.78.04 рақамли Илмий кенгаш асосида ташкил этилган Бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «9» феврал соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz.)

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№⁴ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43.Тел.: (376) 221-74-55

Диссертация автореферати 2022 йил «02» 02 кун тарқатилди.
(2022 йил «02» 02 даги № 8 - рақамли реестр баённомаси)



Б.Умуркулов

Б.Умуркулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори (DSc), доцент

А.А.Эшмунинов

А.А.Эшмунинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.Т.Махмаримова

Ш.Т.Махмаримова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида олам манзарасининг тилда акс этиш даражасини ўрганиш халқнинг яшаш ҳудуди ва шароити, турмуш тарзи, ментал хусусиятлари, миллий характер каби тушунчаларни таҳлил қилиш, халқ маданий тараққиёт даражасининг воқеланиши, этномаданий этика тамойиллари, оғзаки манбалардаги маданиятни ифодаловчи белгиларни ажратиш, ижтимоий муносабатлар, халқлар орасидаги мулоқот кўринишлари ҳамда муомаланинг ахлоқий-маданий меъёрларини атрофлича таҳлил қилиш тилшуносликнинг муҳим муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Дунё халқларининг ўзаро бир-бирини тушуниши, бошқа халқларнинг маданияти ва тилини билиши – бугунги давр талаби. Бу ўз навбатида паремиологик бирликлар тадқиқига эҳтиёжни келтириб чиқаради. Паремиологик бирликлар тилшуносликнинг турли аспектларда ўрганишда лингвомаданият, этнолингвистика, социоллингвистика, прагмаллингвистика ва бошқа фанларга оид кўплаб жиҳатларни бирлаштиришга хизмат қилади. Бугунги кунда мазкур соҳада олиб борилган тадқиқотлар паремаларни ҳар томондан ўрганиш учун асос вазифасини бажаради.

Дунё тилшунослигининг муҳим бўғинларидан саналган паремиологиянинг тадқиқот объекти, шубҳасиз, мақолларга қаратилган ва кўплаб тилшунослик мактабларининг асосий муаммоларига айланиб бўлган. Тил бирлиги сифатида мақолларнинг ўрганилишида уларнинг инсон тафаккури маҳсули сифатида вужудга келиши, тилда қўлланилганда нутқий таъсирчанликни таъминлаши каби омиллар билан биргаликда маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, мақол, матал каби бирликларнинг лингвистик табиатини қиёсий-чоғиштирма асосида тадқиқ қилиш муаммосига лингвомаданий ёндашувни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам мақолларнинг лингвистик мақомига бағишланган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Уларнинг семантик, гендер, стилистик каби хусусиятлари изчил ўрганилиши ўзбек паремиологиясининг ривожига ҳисса қўшган. Бироқ, ўзбек мақолшунослигида “халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк кадрият”¹ларимизни ноқардош тиллар билан қиёсий-чоғиштирилиб ўрганишда концептуал тадқиқотларга эҳтиёж сезилди. Хусусан, инглиз ва ўзбек тилларида *таълим* ва *илм* концептига доир мақоллар тадқиқи ўзбек тилшунослари олдида турган масалалар орасида ўз аҳамияти билан ўрин эгаллайди.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4664611>.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сонли, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сонли “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш сифатини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида В.В.Маслова, С.Е.Никитина, А.Ф.Вежбицкая, В.Н.Телия, Е.В.Бабаева, Л.Е.Вильмс, В.В.Воробьев, Н.Ф.Алефиренко, В.М.Шаклеин, З.К.Сабитова, И.А.Мурзинова, О.Бичер², ўзбек тилшунослигида Н.М.Маҳмудов, Ш.С.Сафаров, Д.С.Худойберганова, Ш.Усмонова, Ш.Т.Махмараимова, М.Саидова, У.Қўзиёв, Д.А.Тошева³, инглиз тилшунослигида М.Бирем,

² Маслова В.В. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания / Критика и семиотика. – М.: Академия, 1987. – 284 с.; Никитина С.Е. Устная народная культура и языковое сознание. – М.: Наука, 1993. – 189 с.; Вежбицкая А.Ф. Язык. Культура. Познание / Пер. с англ., отв. ред. М.А. Кронгауз, вступ. ст. Е.В. Падучевой. – М.: Русские словари, 1996. – 416 с.; Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: «Языки русской культуры», 1996. – 288 с.; Бабаева Е.В. Культурно-языковые характеристики отношения к собственности (на материале немецкого и русского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Волгоград, 1997. – 207 с.; Вильмс Л.Е. Лингвокультурологическая специфика понятия “любовь” (на материале немецкого и русского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Волгоград, 1997. – 212 с.; Воробьев В.В. Лингвокультурология. М.: Издательство Российского университета дружбы народов, 2006. – 112 с.; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка: «учебное пособие» М.: Флинта, Наука; 2010 – 240 б.; Шаклеин В.М. Лингвокультурология: Традиции и инновации [Электронный ресурс]: Монография/ М.: Флинта, 2012.– 301с.; Сабитова З.К. Лингвокультурология: Учебник. – М.: Флинта, 2013. – 524 с.; Мурзинова И.А. Эмблематичность образных характеристик лингвокультурного типажа «британская королева» в языковом сознании носителей британской лингвокультуры // Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin). 2013. – №10. – С.138.; Бичер О. Русские пословицы и поговорки с компонентом-зоонимом (на фоне турецкого языка): Дисс. канд. филол. наук. – Смоленск, 2015. – 145 с.

³ Маҳмудов Н.М. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. 2012. № 5.– Б.3-16; Сафаров С.Ш. Семантика. – Тошкент: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2013. – 341 б.; Маҳмудов Н.М. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. № 3. – Б. 3-12.; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фанлари д-ри. дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б.; Худойберганова Д.С. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли лўғати. – Тошкент: “Турон замин зиё”, 2015.– 44.; Усмонова Ш. Лингвокультурология фанидан марузалар курси. – Тошкент: Университет, 2014.– 111 б.; Усмонова Ш.Таржиманинг лингвомаданий аспекти. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2015. – 192 б.; Махмараимова Ш.Т. Лингвокультурология [матн] ўқув қўлланмаси.Тошкент:

Б.Грибкова, Ҳ.Старки, А.П.Кови⁴ каби олимларнинг илмий ишларида лингвокультурологиянинг шаклланиш босқичлари, лисоний-маданий тадқиқот усули, концепт тушунчаси, дунёнинг лисоний манзараси каби лингвокультурологиянинг турли масалаларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлар олиб борилган.

Мақолни паремиологик бирлик сифатида ўрганишда эса, инглиз тилшунослигида А.Тайлор, А.Дантес, В.Майдер, Ж.Рей⁵ каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган бўлишса, ўзбек тилшунослигида Ғ.Саломов, М.Фозилов, М.Тўйчиев, М.Ҳақимов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, М.Содиқова, М.М.Кароматова, Ҳ.С.Кароматов, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов, Б.М.Жўраева, А.Мусоқулов, П.У.Бакиров, Г.И.Эргашева, Б.П.Назаров, Д.А.Тошева, Д.С.Турдалиева, Ш.Тожибоев, М.А.Темирова, О.П.Уралова⁶ ва бошқаларнинг ишларида ўзбек халқ мақолларининг маъновий ва лингвистик табиати, услубий хусусиятлари, ҳамда уларни бошқа тиллардаги турдош мақоллар билан қиёсий-чоғиштирма аспектда ўрганиш орқали бу йўналишда янги босқич бошлаб берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот

Чўлпон номидаги НМИУ, 2017. – 164 б.; Саидова М., Қўзиёв У. “Лингвокультурология” Услубий қўлланма. Наманган. “Камалак”, 2017. – 127 б.; Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол. фанлари фалсафа д-ри. дисс. – Тошкент, 2017. – 151 б.

⁴ Michael B., Bella G., Hugh S. Developing the intercultural dimension in language teaching. A practical introduction for teachers. Council of Europe, Strasbourg, 2002. – 42 p.; Cowie A. P. Phraseology: Theory, Analysis, and Applications. USA, Oxford University Press, 2012. – 272 p.

⁵ Taylor A. Selected Writings on proverbs. Helsinki: Suomalainen Tiedekatemia, 1975. – 203 p.; Dundes A. On the structure of the Proverb, Mieder, W. & Dundes A. The Wisdom of many: Essays of the Proverb. Madison, Wisconsin: University of Wisconsin Press, 1994. – 352 p.; Proverbs: A Handbook. Meider W. London: Greenwood Press, 2004. – 321 p.; A complete collection of English proverbs by John Ray published by Forgotten books. London, Dalton house, 60 Windsor Avenue, 2013. – 319 p.

⁶ Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Тошкент: /Фанлар академияси/ 1961. – 159 б.; Фозилов М. Ҳикматли сўзлар, афоризмлар ва мақоллар. – Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 1967. – 191 б.; Тўйчиев М. «Шинелли йиллар» романида халқ мақоллари ва ибораларининг ишлатилиши. Ўзбек фразеологиясидан тадқиқотлар. СамДПИ асарлари. Самарқанд. 1971. – 87 б.; Ҳақимов М. Ёзувчи ва халқ тили. – Тошкент: «Фан», 1971. – 176 б.; Ўзбек халқ мақоллари: [2 томлик]. Масъул муҳаррирлар: Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Том 1. – Тошкент, «Фан», 1987. – 368 б.; Ўзбек халқ мақоллари: [2 томлик]. Масъул муҳаррирлар: Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Том 2. – Тошкент: «Фан», 1988. – 372 б.; Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати / Тузувчи: Содиқова М. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 76 б.; Proverbs-мақоллар-пословицы / Тузувчилар: Кароматова М.М., Кароматов Ҳ.С. – Тошкент: Мехнат, 2000. – 400 б.; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. – 448 б.; Жўраева Б.М. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланиши: Филол. фанлари номзоди дисс. – Бухоро, 2002. – 136 б.; Ўзбек халқ мақоллари/ Тузувчилар: Мирзаев Т., Мусоқулов А., Саримсоқов Б. – Тошкент.: «Шарқ», 2005. – 253 б.; Бакиров П.У. Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков): Доктор филологических наук дисс. – Ташкент, 2007. – 334 с.; Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 2011. – 164 б.; Назаров Б.П. Бакалавр тайёрлашнинг куйи босқичида немис тилини коммуникатив методика асосида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш. Педагогика фанлари номзоди дисс. – Самарқанд, 2012. – 186 б.; Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол. фанлари фалсафа д-ри... дисс. – Тошкент, 2017. – 151 б.; Турдалиева Д.С. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Филол. фанлари фалсафа д-ри... дисс. – Фарғона, 2018. – 144 б.; Илм ҳикмати (Илм ҳақидаги ҳадис, мақол ва ҳикматли сўзлар тўплами) Тузувчилар: Тожибоев Ш., Эгамбердиев Р. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 76 б.; Темирова М.А. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологияси. Филол. фанлари фалсафа д-ри... дисс. – Тошкент, 2018. – 166 б.; Уралова О.П. Инглиз ва ўзбек тилларида “оила” бош лексемали мақоллар семантикаси ва структураси. Филол. фанлари фалсафа д-ри... дисс.– Самарқанд, 2021. – 144 б.

муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Термиз давлат университетининг инглиз тили ва адабиёти кафедрасида “Тилнинг лексик – семантик тизимини чоғиштирма типологик ўрганишнинг долзарб муаммолари: диахрония ва синхрония” мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади (ИТА-12-09-2012).

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги *таълим, илм* концептли паремаларни чоғиштириш орқали уларнинг умумий ҳамда фарқли жиҳатларини аниқлаш, турли тизимли тилларда уларнинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

паремиологик бирликларни чуқур ўрганган ҳолда тадқиқотнинг назарий асосини аниқлаш орқали инглиз ва ўзбек тилларидаги *таълим, илм* концептли мақол, матал, афоризмларнинг фарқли ва ўхшаш томонларини лингвистик нуқтаи назардан тизимлаштириш;

жаҳон тилшунослигида, жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида *таълим, илм* концептли мақолларни мавзуй гуруҳларга ажратиб эквивалентлик даражасига кўра таққослаш;

инглиз ва ўзбек тилларида *таълим, илм* концептли мақоллар орқали оламнинг миллий, лисоний манзарасидаги ўрнини белгилаш, тилнинг лингвомаданий қийматини ҳамда мақомини асослаб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларида *таълим, илм* концептли мақолларнинг мавзуй майдонлари асосида уларнинг статистикасини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги *таълим, илм* мазмунли мақоллар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети. Инглиз ва ўзбек тилларидаги *таълим, илм* концептли паремаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари тадқиқот предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда лексик-семантик, чоғиштирма, таснифлаш, тавсифлаш лингвомаданий таҳлиллар, шунингдек статистик, аналитик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги *таълим, илм* концептли мақол, матал, афоризмларни чоғиштириб ўрганиш орқали уларнинг лисоний-маданий жиҳатдан (Ингл. *A good book is a great friend* – “Китоб инсоннинг энг яқин дўстидир”. Ўзб. *Китобдан яхши дўст йўқ*) ўхшаш, семантик ҳамда тузилишига кўра (Ингл. *Learning is the eye of the mind* – “Ўрганиш билимни чархлайди”. Ўзб. *Ўқиганинг ўзингга, Жилов берар сўзингга*) каби фарқли жиҳатлари очиб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги *таълим, илм* концептли мақолларнинг *моноэквивалент* (Ингл. *The roots of education are bitter, but the fruit is sweet* – “Илмнинг илдизи аччиқ, аммо меваси ширин”. Ўзб. *Илмнинг ибтидоси аччиқ, сўнги болдан ҳам тотли*), *полиэквивалент* (Ингл. *Knowing many languages allows one to have many keys to open doors* – “Кўп тилни билиш кўп эшикни

очишга ёрдам беради” . Ўзб. *Тил билган йўлда қолмас; Тил билган – эл билади; Илм – очилмаган эшиклар калити*), маъновий эквивалент (Ингл. *Education begins a gentleman, conversation completes him* – “Жентлмен тарбиядан бошланади, суҳбат эса уни маромига етказди”. Ўзб. *Йигит ориф бўлса, аслини сўрама*), эквивалентсиз (Ингл. *To punish a student, use a shoelace* – “Талабани хивчин билан саваламоқ”. Ўзб. *Иши йўқ номоз ўқир, нони йўқ рўза тутар*) каби турлари аниқланган;

чоғиштирилаётган тиллардаги *таълим, илм* концептли мақолларни оламнинг миллий, лисоний манзарасидаги ўрнини белгилашда *маданий сема, маданий фон, лақуналар, лингвокултуремалар* каби лисоний белгиларни муҳим ўрин тутиши ҳамда ҳар икки тилда *таълим* ва *илм* концептли мақоллар қаторига мазмунан бир хил ёки яқин бўлганлиги учун баъзи зооним тематикасига доир инглизча *To take the bull by the home* (Хўкизни туғилган пайтидан парвариш қилиш), ўзбекча *Болани ёшдан ўргат, Отни – бошдан ўргат. Таълим, илм* лексемалари иштирок этмаган, бироқ мазмуни билан *таълим, илм* тематикасига кирувчи инглизча *Art is long, life is short* (Санъат абадий – умр қисқа), ўзбекча *Илмсиз – бир яшар, илми – минг яшар* каби мақоллар тематик жиҳатдан фарқланиши ва мақолларнинг маъноларини очиб беришда айнан уларнинг лингвомаданий хусусиятлари тафовутланиши исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги *таълим, илм* концептли паремаларнинг *teacher/ ўқитувчи, муаллим, student, pupil/ талаба, ўқувчи, teach, learn/ сабоқ, lesson/ дарс, knowledge / билим, reading / ўқиш, book / китоб* каби семантик-мавзуй гуруҳлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида *таълим, илм* концептли мақоллар семантикаси ва лингвомаданият билан боғлиқ бўлган томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятларининг чоғиштира таҳлили илмий-назарий аҳамият касб этиши ва “Тилшунослик”, “Лексикология”, “Услужият”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Қиёсий типология”, “Лингвомаданиятшунослик” каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига ёрдам бериши асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида *таълим, илм* концептли мақолларнинг семантикаси ва лингвомаданиятини таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган методиканинг қардош ва қардош бўлмаган тилларга хос бошқа типдаги паремаларини тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкинлиги далилланган;

таълим, илм концептли мақолларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги қиёсий-чоғиштира таҳлили амалга оширилган;

мақол, матал ва афоризм бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари маданиятлараро мулоқот жараёнида фойдаланилиши ва ўрганилишида ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олинганлиги, қўлланилган таҳлил методлари, таҳлилга тортилган катта ҳажмдаги фактик материал ва назарий фикр, хулосаларнинг

амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилшуносликнинг янги йўналишлари, хусусан, лингвокультурологиянинг назарий асосларини ўрганишда, миллий матнларга хос хусусиятларни тадқиқ этишдаги аҳамиятини ёритишда, лингвомаданий тадқиқот усулларида фойдаланишда, тадқиқ манбаларини аниқлашда, *таълим, илм* концептли паремаларнинг лингвокультурологик қийматини белгилашда кўринади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар *таълим, илм* концептли инглиз, ўзбек паремаларининг лингвомаданий хусусиятларини ёритишда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятидан Олий таълим тизимида “Лингвокультурология”, “Лексикология”, “Қиёсий типология” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда, ушбу фанлардан назарий ва амалий машғулотлар олиб боришда, магистратура босқичида “Лингвистик тадқиқот методлари”, “Замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари” каби йўналишларда махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида “таълим”, “илм” концептларига оид паремаларнинг лингвомаданий тадқиқи таҳлили юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

“парема” тушунчасининг этимологияси, мақолнинг паремиологик бирлик сифатида статусига янгича муносабат билдирилган фикрлари, инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг семантикаси, лингвомаданий таҳлили ҳақидаги мулоҳазаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси 2021 йил 16 февралдаги 05-16/1091-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг семантикаси ва лингвомаданий таҳлили асосида замонавий қиёсий паремиологияга доир муаммоларнинг ечимини топишнинг янги йўналишларини очиб беришга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилидаги *таълим, илм* лексемаларининг фарқли ва ўхшаш томонларини аниқлаб, уларнинг халқ мақолларида намоён бўлиш даражасини солиштириб ўрганиш тўғрисидаги мулоҳазалардан “Олий таълим соҳасида потенциални ривожлантириш йўналишидаги PAWER-Худудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ҳамда тенгликни таъминлаш” мавзусидаги халқаро лойиҳада фойдаланилган (Термиз давлат университетининг 2021 йил 7 сентябрь 06/12-3726-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тилларида *таълим, илм* концептли мақолларни фарқли ва ўхшаш томонларини аниқлаб, уларнинг халқ мақолларида намоён бўлиш даражасини солиштириб қўлланишига асос бўлиб хизмат қилган;

таълим, илм концептли паремаларни лексикографик жиҳатдан тадқиқ этиш мақсадида чоғиштирама инглиз ва ўзбек тилшунослигида илк бор “Қисқача икки тилли илм-маърифат паремиологик луғати”ни яратишда

фойдаланилган⁷. (Қисқача икки тилли илм-маърифат паремиологик луғат. – Тошкент, “ADAST POLIGRAF” 2020. – 84 б. ISBN:978-9943-6885-2-0; 15.12.2020). Натижада қиёсий-чоғиштира таҳлил этилган мақоллар, инглиз ва ўзбек халқларининг тил бойлигини, урф-одатини, менталитетини, дунёқарашларини ва тарихини ўрганишда, ҳамда тил ўрганувчиларда керакли коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида илмий маърузалар кўринишида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган. Улардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 12 таси республика ва хорижий илмий журналлар ҳамда тўпламларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 2 иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 129 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Замонавий лингвистикада паремаларни ўрганишнинг илмий асослари”** деб номланади. *“Паремиология – замонавий тилшуносликнинг йўналиши”* деб аталган биринчи фаслида хориж ва маҳаллий тилшунос олимларнинг илмий ишлари таҳлил қилиниб, лингвистиканинг паремиология соҳасининг бирлиги бўлган парема (паремия) атамасини тавсифининг умумий ва хусусий жиҳатлари очиқ берилган.

Мақол, матал, афоризм каби паремиологик бирликларнинг асосий турлари тизимлаштирилди ва “парема” ҳамда “паремия” атамалари синоним, маънодош лексема эканлиги аниқланди. Бизнинг фикримизча, “парема” атамаси таърифининг ўзи муҳим аҳамият касб этиб, ишда тадқиқот йўли ва

⁷ Нармуратов З. Қисқача икки тилли илм-маърифат паремиологик луғат. – Тошкент, “ADAST POLIGRAF” 2020. – 84 б.

методологиясини танлашни олдиндан белгилаб беради. Унда мақол асосий паремиологик бирлик сифатида назарда тутилади. Бугунги кунда лингвистика соҳасида паремага доир бир қанча диссертациялар ва луғатлар яратилган. Жумладан: В.Майдер⁸, З.А.Биктагинова⁹, Е.Ю.Никтовенко¹⁰, П.У.Бакиров¹¹, Б.М.Жураева¹², Б.П.Назаров¹³, М.А.Темирова¹⁴, Г.И.Эргашева¹⁵, М.Садриддинова¹⁶, Д.С.Турдалиева¹⁷, О.П.Уралова¹⁸ ва бошқаларнинг ишларида мақолларнинг маъновий ва лингвистик табиати, услубий хусусиятлари, ҳамда уларни бошқа тиллардаги турдош мақоллар билан қиёсий-чоғиштирма аспектда ўрганиш орқали бу йўналишда янги босқич бошлаб берилган.

Юқорида келтирилган ишлардан кўриниб турибдики, парема ва паремиология муаммолари тилшунослар томонидан имкон қадар тадқиқ қилинган. Аммо паремаларни ижтимоий ҳаётга, хусусан бугунги замонавий таълимга боғлаб ўрганиш борасидаги ишлар кам. Шу боис биз тадқиқотимизда *таълим* ва *илм* концептли мақоллар таҳлилига эътиборимизни қаратдик. Бизнинг фикримизча, парема деб умумий ном остида қўлланувчи мақол, матал, афоризмлар тушунчаларини чегаралаш, уларни қиёслаб, чоғиштириб, лингвомаданий жиҳатларини аниқлаш лозим. Ишимизда айни масалалар ва мақол, матал, афоризм тушунчаларини чегаралаш, қиёсий, чоғиштириш, лингвомаданий томонларига алоҳида эътибор қаратилди.

Иккинчи параграф “*Мақолнинг лингвистик мақоми*” деб номланган. В.П.Аникиннинг фикрича, мақолларнинг мазмун жиҳати турли соҳа мутахассисларини қизиқтиради. Тарихчилар мақолларда халқ ўтмиши, удумлари ва қадимги воқеалар акс-садосини топишади. Ҳуқуқшунослар одатий ҳуқуқ меъёрларининг акс этишини мақолларда кўринишини таъкидлайдилар. Этнографлар мақоллар туфайли “аллақачон йўқолиб кетган урф-одатлар ва тартиблар”нинг ўзига хос белгиси ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Шунингдек, файласуфлар мақоллар орқали халқ тафаккурининг ўзига

⁸ Proverbs: A Handbook Meider W. London: Greenwood Press, 2004. – 321 p.

⁹ Биктагинова З.А. Концепт “Семья” в паремиологии английского, турецкого и татарского языков. – Казань – 2007. – 228 с.

¹⁰ Никтовенко Е.Ю. Семантика конфликт содержащих паремий и афоризмов в лингвокогнитивном и лингвокультурном аспектах (на материале русского и английского языков) – Краснодар, 2015.– 185 с.

¹¹ Бакиров П.У. Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков):Дисс. докт. филол. наук. – Ташкент, 2007. – 287 с.

¹² Жураева Б.М. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланиши: Филол. фанлари номзоди дисс. – Бухоро, 2002. – 136 б.

¹³ Назаров Б.П. Бакалавр тайёрлашнинг қуйи босқичида немис тилини коммуникатив методика асосида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш: Педагогика. фанлари номзоди дисс. – Самарқанд, 2012. – 186 б.

¹⁴ Темирова М.А. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологияси: Филол. фанлари фалсафа д-ри... дисс.. – Тошкент, 2018. – 166 б.

¹⁵ Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 2011. – 164 б.

¹⁶ Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 37 б.

¹⁷ Турдалиева Д.С. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Филол. фанлари фалсафа д-ри... дисс. – Фарғона, 2018. – 144 б.

¹⁸ Уралова О.П. Инглиз ва ўзбек тилларида "оила" бош лексемали мақоллар семантикаси ва структураси. Филол. фанлари фалсафа д-ри... дисс. – Самарқанд, 2021. – 144 б.

хос хусусиятлари ва турмуш тарзини тушунишга интиладилар. Тилшунослар мақолларда “инсон нутқининг ўзига хос характерлар ва қонуниятларини ўрганиш учун қимматли материални” кўрадилар¹⁹.

Демак, халқларнинг маданиятини ўзида акс эттирувчи бирликлардан ҳисобланувчи мақолларни тўғри қўллай билиш ҳар қандай касб эгаси учун муҳим саналади.

Ғ.Саломов “Рус тилидан ўзбек тилига мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш” масаласига доир номли китобида шундай дейди: “Агар мендан тилда ҳам мўъжизалар бўладими? – деб сўрасалар, мен агар бўлса, тилнинг “мўъжизаси” ундаги мақол, матал ва идиомалар деб жавоб қилган бўлар эдим²⁰.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, биз ҳам ишимизда мақолга қўйидаги лингвистик мақомни таклиф қилдик. Мақол миллатнинг маънавий бойлигини, халқнинг маданиятини тилида акс эттирувчи оталар сўзи ҳамда Ғ.Саломов таъбири билан айтганда, мақол бу – тилнинг мўъжизаси.

Бобнинг учинчи параграфи “*Мақол, матал тушунчаларининг талқини ва улар ўртасидаги фарқлар*” деб номланади. Паремиология соҳасида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамай олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида *мақол* ва *матал* тушунчасига нисбатан берилган таърифлар мунозарали бўлиб қолмоқда. Илмий адабиётларда пареманинг ушбу турини фразеология таркибида ўрганиш таклиф этилган ва шу навбатида бунга қарши фикрлар ҳам мавжуд. Жумладан, В.В.Виноградов, А.В.Кунин²¹ каби олимлар мақол ва маталларни фразеологик бирликлар таркибига киритган бўлсалар, Н.И.Амосова²², А.М.Бабкин²³лар эса мақол ва маталларни фразеологик бирликлар таркибига киритишни инкор қиладилар. А.В.Кунин “Фразеология современного английского языка” китобида “Мақоллар фольклор таркибида ҳам фразеологизм таркибида ҳам тадқиқ этилиши лозим. Фақат турли хил нуқтаи назардан чунки мақол кўчма маънодагина фразеологизм бўла олади”²⁴ дейди.

Бизнинг тадқиқотимиз фразеологизмларни тадқиқ этишга қаратилмаганлиги сабабли иборалар ҳақида келтирилган ушбу фикрлар билан чекланиб мақол ва маталларни ўзаро чегаралашга ҳаракат қилдик.

Мақоллар лўнда, ихчам ва ибратомуз фикрнинг сўзлар орқали ифода этилиш сифатида лингвистикага, бадийлик, таъсирчанлик ва образлилик хусусиятига кўра фольклорга тегишли эканлигини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам тилшунослар мақолларни тил бирлиги сифатида, паремиологлар эса

¹⁹ Аникин В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. М.: Учпедгиз, 1957. – С.7.

²⁰ Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир.–Тошкент: Фанлар академияси, 1961. – Б.3.

²¹ Виноградов В.В., Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М.: Издательский центр «Феникс»,1972. – 206 б.

²² Амосова Н.И. Основы английской фразеологии. – Л.: Издательство Ленинградского университета, 1963. – 227 с.

²³ Бабкин А. М. Русская фразеология, её развитие и источники. – Л.: Наука, 1970. – 264 с.

²⁴ Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М.: Международные отношения,1972. – С.206.

уларни фольклор маҳсули тарзида қабул қилади. Тадқиқотимизда В.И.Даль²⁵, Б.Р.Менглиев²⁶, П.У.Бакиров²⁷, Б.М.Жўраева²⁸ каби олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, биз ҳам мақол ва маталнинг тилшуносликда маъно томонидан чегаралаш борасида қуйидагича таърифни таклиф қилдик: 1) Мақол ҳамма вақт аниқ, тугал фикр англатади. Маталга бошқа бир гап қўшилиши билан фикр тўлиқ ифодаланади. 2) Мақоллар ҳам ўз, ҳам кўчма маъноларда қўлланилиш имкониятига эгадир. Бу хусусият мақолларнинг тематик доирасини, қўлланиш чегарасини кенгайтиради. Шунинг учун ҳам мақол бир ёки бир неча халқлар орасида кенг тарқалган бўлади. Маталлар ёки бошқа ёпиқ иборалар эса локал қўлланилиш чегарасига эга бўлиб, улар ҳеч қачон миллатлараро истеъмол доирасида учрамайди; 3) Матал нутқда кўрсатиш воситаси бўлса, мақол далиллаш, исботлаш воситаси сифатида қўлланилади.

Тўртинчи параграф “*Мақол ва афоризм тушунчаларининг талқини ва улар ўртасидаги фарқлар*” деб номланган. Ишимизнинг бу қисмида моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган мақол ва афоризмларни ўзаро таққослашга, улар ўртасидаги фарқни очишга ҳаракат қилдик.

Тарихий манбаларда ҳам халқ орасида ҳам ҳалқимизнинг афористик ижоди турли-туман атамалар билан номланиб келади. *Мақол, матал, нақл, масал, зарбулмасал, оталар сўзи, ҳикматли сўз, афоризм, ҳикоят, ҳикмат, бурунгилар сўзи, машойихлар сўзи* ва бошқалар ана шундай атамалардандир. Бу терминлар кўп ҳолларда ҳозиргача ҳам умуман афористик ижодга нисбатан аралаш ишлатилиб, бирининг ўрнига иккинчиси қўлланилиб келмоқда. Аммо, уларни қўллашда маълум чегаралар белгилаш, аниқликлар киритиш зарур²⁹.

Адабиётшунослик терминлари изоҳига бағишланган луғатда берилган таърифга кўра, “Афоризм (юнон. – ҳикматли сўз) – муаллифи маълум бўлган, чуқур мазмунли, аниқ ва ихчам шаклли ҳикматли гап. Афоризмда сўз қанча оз бўлса, унинг ифодалалиги, ўткирлиги шунча ортади. Халқ мақолларидан фарқли равишда афоризмларнинг муаллифи ҳамма вақт аниқ бўлади. Халқ мақоллари ҳам кенг маънода халқ афоризмлари дейилади”³⁰.

Қуйидаги жадвалда берилган мақол ва афоризмлар орқали ушбу паремалардаги фарқни кузатишимиз мумкин. Унда “*таълим*” ва “*илм*” концептига оид бир қатор мақол ва афоризмлар таҳлил қилинган бўлиб, турли манбалардан олинган³¹.

²⁵ Даль В.И. Пословицы русского народа. – М.: Художественная литература, 1957. – С. 3-5.

²⁶ Менглиев Б.Р. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент: “Тафаккур бўстони”, 2018. – Б.191-192.

²⁷ Бакиров П.У. Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков): Дисс. докт. филол. наук. – Ташкент, 2007. – 287 с.

²⁸ Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик луғати. – Тузувчи: Жўраева Б.М. Тошкент: “Фан”, 2006. – Б.4.

²⁹ Ўзбек халқ мақоллари. Икки жилдли. Тузувчилар: Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Тошкент: “Фан”, 1987. – Б.14.

³⁰ Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча - ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 37.

³¹ Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Мирзаев Т., Мусоқулов А., Саримсоқов Б. – Тошкент.: «Шарқ», 2005. – 253 б.; Насиров А. А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провѣрбиал фразеологизмларнинг семантик – стилистик ва миллий – маданий хусусиятлари: Филол. фан. докт. Дисс. – Тошкент, 2016. – 248 б.; [https://upload.wikimedia.org/wikipedia/commons/d/d2/Aphorism_\(PSF\).png](https://upload.wikimedia.org/wikipedia/commons/d/d2/Aphorism_(PSF).png).

Мақол ва афоризмларнинг фарқи таҳлиллар асосида

Proverb	Мақол	Aphorism	Ҳикматли сўзлар
A little education is a dangerous thing.	Билмас табиб жон олар.	“An Investment in knowledge pays the best interest” Benjamin Franklin.	Ҳар ким бировга қозғай чоҳ, тушгай ул чоҳ узра ўзи ногоҳ А. Навоий
Choose a book as you choose a friend.	Такрорлаш ўқишнинг онасидир.	The man who removes a mountain begins by carrying away small stones. [William Faulkner]	Оз демак хикматга боис, оз емак сихатга боис А. Навоий.

Юқоридаги жадвалда келтирилган мисоллардан келиб чиққан ҳолда, икки бирликка қуйидагича таъриф бериш мумкин: Мақоллар – халқ оғзаки ижодининг элементи бўлса, афоризм адабий тилга таълуқли бўлиб асосан ёзма кўринишда ифода этилади, мақолнинг муаллифи ноаниқ бўлса, афоризмнинг муаллифи аниқ бўлади.

Тадқиқотнинг бешинчи параграфи “*Инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларда эквивалентлик масаласи*” деб номланади. Дунё мутафаккирлари ва улуғ аждодларимизнинг буюк маънавиятнинг маҳсули бўлган доно фикрлари, панд-насихатлари, афоризм ва ибратли сўзлари халқимизни ҳамиша адолатли иш тутишга, тўғри йўлдан адашмасликка ундовчи зиё машғаласи бўлиб келган. Бу бебаҳо бойликлар халқ маънавий оламининг гўзал ва буюк намунаси бўлиб, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда уларнинг тутган ўрни муҳимдир. Шунинг учун ҳам улар “*Оталар сўзи – ақлнинг кўзи*” деб ҳам номланади. Донолар ўғитлари, халқ мақоллари, айниқса, ёшларнинг ички олами, рухий дунёси ва тафаккуруни шакллантиришда катта ўрин тутди³².

Профессор П.У.Бакировнинг “Миллий ғоя тарғиботида ўзбек халқ мақолларидан фойдаланиш” номли рисоласида дунё таркибида мақоллари бўлмаган бирорта ҳам тил йўқ³³ деб, унга “Книга в пословицах разных народов мира” мақоласида қуйидагича таъриф беради: Ҳар қандай тилда мақоллар инсоният жамиятининг барча соҳаларини қамраб олади. Жамиятнинг моддий ва маънавий фаолиятининг бирон бир соҳасида мақолларни акс этмаганини кузатмаймиз³⁴.

³² Ёшларга донолар ўғити / Тузувчилар: Салимов О., Қуронбоев Қ., Бекмуродов М., Тангриев Л., Халилов Н. – Тошкент, Гафур Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.5.

³³ Миллий ғоя тарғиботида ўзбек халқ мақолларидан фойдаланиш/ Бакиров П.У., Қурононов М.нинг умумий таҳрири остида. Масъул муҳаррир Рустамов А. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази.– Тошкент: “Маънавият”, 2007. – Б.6.

³⁴ Бакиров П.У. Книга в пословицах разных народов мира “Илм сарчашмалари” илмий – методик журнал № 10. Урганч – 2020. – Б.202.

Дарҳақиқат, турли тилларда гаплашувчи халқларда шакл ва мазмун жиҳатидан бир-бирига жуда ўхшаш мақоллар учрайди. Масалан, инглиз тилидаги *Knowledge is better than riches* мақоли шакл ва вазифа жиҳатидан ўзбек халқининг *Билим бойликдан афзалдир* мақоли билан эквивалент бўла олади. *Live and learn* мақоли эса ўзбек тилига ҳадислардан кириб келган *Бешикдан то қабргача илм изла* мақоли билан эквивалентдир.

Демак, тилларни ўзаро қиёслаш ёки чоғиштириш учун улардаги бирликларнинг шакл ёки мазмунидаги мавжуд белгилар асос қилиб олинади. Шу асосда, қиёсланаётган, чоғиштирилинадиган тил бирликларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланади.

Шунингдек, тилшунос олим И.Ғафуров ҳам бу борада ўзини қарашларини баён қилади. У “Таржимонлик мутахассислигига кириш” номли ўқув қўлланмасида шундай дейди: Мақоллар, маталлар, идиомалар, образли иборалар таржимасида таржима тилидан мос *эквивалент* топиш ёки бунинг иложи бўлмаганда ўзига ярашиқли лўнда, ҳикматомуз табдилда маъносини чиқариш мақсад қилиб қўйилади. Таржима қилинган адабиётлар бу жиҳатдан жуда бой ва ранг-баранг тажрибалар борлигини кўрсатади³⁵.

Биз ҳам мазкур фикрни маъқуллаб, унинг амалий исботи сифатида ушбу мақолни мисол келтириб ўтамиз. Масалан, инглизча *Knowledge is no match for luck* мақолини ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилсак, “билим омад билан боғлиқ эмас” маъносини билдиради. Ўзбек тилида эса бундай мақол мавжуд эмас, ушбу мисолдан кўриниб турибдики, мақолларни таржима қилиш ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Бундай ҳолатда мақолга шундай бир мос эквивалент берилиш керакки, мақолнинг руҳи таржимадан узоқлашмасин. Юқорида келтирилган инглиз халқ мақолига ўзбек тилида *Илм хирмони китобдир* мақоли мос эквивалент бўла олади. Эквивалент 1. [лот.*aequivalents, aequivalentis* – тенг кучли, тенг қийматли] атамаси остида тил бирликлари маъноларининг мувофиқлиги тушунилади³⁶.

Тиллараро эквивалентлик хусусида сўз юритилганда, чоғиштирилаётган тиллар бирликларининг марказий ва периферик семантик компонентларининг мувофиқлиги назарда тутилади³⁷.

Икки тилда контекстсиз ҳам маънолари бир-бирига монанд ва бир-бирининг ўрнини қоплай оладиган паремаларни “эквивалент бирикма” деб қабул қилиш мумкин. Биз икки тил оиласига мансуб бўлган, турли хил маданиятга эга бўлган, икки этнос (инглиз, ўзбек) паремаларини чоғиштириш тадқиқида эквивалент ҳодисасидан фойдаландик ва қуйидаги жадвалда баъзи инглиз, ўзбек мақолларидан мисоллар келтирдик.

³⁵ Таржимонлик мутахассислигига кириш ўқув қўлланма. Ғафуров И.; Масъул муҳарр. Мўминов О.М.– Тошкент: Мехридарё, 2008. – Б.38.

³⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти –Тошкент www.ziyouz.com кутубхонаси. – Б.135.

³⁷ Зокирова С. Контрастив лингвистикада конгруэнтлик ва эквивалентлик тушунчалари хусусида. Илмий-методик электрон журнал № 6 (14) / 2016.

**Инглиз ва ўзбек тилидаги таълим, илм концептли мақолларнинг
эквивалентлик таҳлили**

Инглизча	Таржима	Изох	Ўзбекча эквивалент	Изох
An educated person is respected everywhere.	Илмли шахс ҳар жойда ҳурматли бўлади	-	Илмли одам – иликли суяк.	+
Learn to say before you sing.	Ашула айтишдан олдин сўзлашни ўрган.	-	Дуд демакка дудок керак, сирка тиламакка – усул.	+
Learning is the eye of the mind.	Ақл кўзгуси ўрганишдир.	-	Ўқиган – ёруғ. Ўқимаган – чорик.	+
Knowledge has bitter roots but sweet fruits.	Билимнинг илдизи аччиқ аммо меваси ширин.	-	Илмнинг аввали аччиқ, сўнги тотли.	+

Эслатма: (+) белгиси ҳодисанинг ижобий эканлигига ишора қилади.

Эслатма: (-) белгиси ҳодисанинг салбий эканлигига ишора қилади.

Бобнинг олтинчи параграфи “*Мақолларни тадқиқ қилишнинг лингвомаданий асослари*” деб номланади. Статистик маълумотларга кўра, дунёда қарийб уч минг дан ортиқ халқ рўйхатга олинган ва улар турли китъаларда истиқомат қилади.³⁸ Буларнинг барчасини анъаналари, урф-одатлари, дунё қарашлари, маданияти, шу халқнинг, миллатнинг тилида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат вакили миллийлигини тилида, маданиятида, акс эттиради. Турли халқлар, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, маданий, илмий алоқалар, тилшунослик соҳасида тилларнинг ўзаро муносабати ва тил маданияти ҳамда тилнинг миллий ўзига хос кўриниши каби қатор ва маданиятшунослик ўртасидаги алоҳида маҳсул йўналиши ва предметига эга бўлган янги соҳа – лингвомаданиятнинг юзага келишига туртки бўлди.

Эътиборлиси шундаки, лингвокультурология соҳасида паремаларни алоҳида таъкидлаш жоиз, чунки айнан паремалар ҳам айнан халқнинг маданиятини тили орқали ифода қилувчи асосий воситалардан биридир. Таниқли паремиолог Вольфганг Майдернинг “*A Dictionary of American Proverbs*” номли луғатида берилган *The Devil knows many things because he is old*³⁹ мақоли ўзбек тилига “Шайтон кўп нарсани билади, чунки у қари” маъносини беради. Бунга ўзбек тилида Т.Мирзаев, Б.Саримсоқовлар томонидан яратилган “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламида берилган *Қари билганни нари билмас*⁴⁰ мақоли эквивалент бўлади. Мақолнинг ўзбекча вариантыда ижобий маъно кузатиляпти. Агар ўзбекча варианты билан солиштирадиган бўлсак, ўзбек тилида бу ижобий хислатларни кўрсатади.

³⁸ uz.wikipedia.org/wiki.

³⁹ *A Dictionary of American Proverbs* Wolfgang Mieder first published, Oxford University Press, 1992. – P. 129.

⁴⁰ Ўзбек халқ мақоллари: [2томлик]. Масъул муҳаррирлар: Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Том 1. – Тошкент, “Фан”, 1987. – Б.196.

Яъни ўзбек халқи нуруний, узоқ яшаб келаётган қарияларни ҳаёт тажрибасини қадрлашади ва уларни ҳатто парига тенглаштиради. Бу ўринда мақол икки тилда катта фарқ билан ишлатилишини кўрсатаяпти. У ҳолда инглизча ушбу мақолга бошқача ўзбекча вариант қидириш эҳтиёжи туғилади. Ёки инглизча мақолга муаллифлар томонидан нотўғри вариант қўйилган деган хулосага келинади. Чунки ўзбек халқи томонидан *шайтон* образи ҳеч қачон ижобий баҳоланмаган.

Шунингдек, ҳар бир тилнинг паремаларида англатадиган коннотатив семалар миллий-маданий характерга эга бўлади. Масалан, *devil* инглизларда ижобий маъно англатадиган тасвир воситаси саналиб, узоқ яшаб келган кўп нарсани биладиган инсонни ифодалайди. Бироқ, ўзбек тилида *шайтон* лексемаси орқали ифодаланадиган мазмунда мазкур лексема салбий сема саналади.

Зеро, муайян тилда ифодаланган сема бошқаларида умуман акс этмаслиги ёки умумий, интеграл семани ҳосил қилиши мумкин. Бинобарин, инглиз тилида *шайтон* ижобий бўёқдорлик касб этиб, тажрибали, билагон рамзлари саналади. У ўзбек халқида ёмон, ёлгончи, зулм, аламзадалиқ рамзи ҳисобланади. Вужудга келган дифференциал маънолар мазкур халқлар орасидаги маданият ва турмуш тарзининг фарқли бўлганлиги билан белгиланади.

Бобнинг еттинчи параграфи “*Мақоллар концепт вербализация воситаси сифатида*” деб номланган. Таъкидлаш жоизки, мақоллар миллий қадриятлар мероси, миллатнинг руҳини, унинг маданиятини кўрсатадиган халқ оғзаки ижодининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Уларни халқ яратади, шу сабабдан халқ мақолларини ўрганиш, ҳамда маълум концептуал гуруҳларга ажратиб тадқиқ этиш орқали икки халқнинг тилида намоён бўладиган маданиятини мақоллари томонидан кўрсатиб бериш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

А.Г.Юлдашевнинг “Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив тадқиқи” номли монографиясида ҳозирги замон тилшунослигида концепт табиатини ўрганишда иккита ёндашув эътироф этилган. Уларнинг бири когнитив изоҳга асосланиб, инсоннинг билими ва тажрибаси биринчи ўринга қўйилади. Иккинчиси эса лингвокультурологик бирлик сифатида ўрганади⁴¹.

Бундан кўриш мумкинки, мақолларни концепт жиҳатидан таҳлил этиш барқарор бирикмаларда ифодаланган халқ қарашлари, қадриятларини ўрганишда аҳамиятлидир.

Бизнингча, халқ мақолларини маълум концептларга ажратиб тадқиқ қилиш орқали ўша халқнинг мақолларидан тилида намоён бўладиган лингвомаданиятининг кичик бўғинларини ҳам очиқ бериш имконияти кенг бўлади. Тадқиқотимизда “концепт” термини лингвокультурологияга оид мазмунда қўлланилди. Инглиз ва ўзбек тили таркибида *education/ таълим*,

⁴¹ Юлдашев А.Г. Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив тадқиқи. – Тошкент: «Фан ва технология», 2016. – Б. 98.

teacher/ ўқитувчи ва муаллим, student, pupil/ талаба, ўқувчи каби концептли мақолларнинг ялпи танлаш методини қўллаган ҳолда турли хил паремиологик луғатлар ва тўпламлардан териб олинган натижаларига кўра таҳлилга тортилган мақолларда қуйидаги маъно ва мазмун ифода этилганлиги аниқланди.

Инглиз ва ўзбек тили таркибида *education/ таълим* концептли мақолларда қуйидагича маъно ифодаланаяпти. А) илмсизлик; б) имконият; в) нажот; г) зиёли; д) қунт.


“А” гуруҳга мансуб Engl.: *A child without education, is like a bird without wings.* – Ўзб.: *Билимсиз одам – қанотсиз қушдир*; “Б” гуруҳга мансуб Engl.: *Education is what you know, not what's in the book.* – Ўзб.: *Билим қозғоз қатида эмас, мия қатида*; “В” гуруҳга мансуб Engl.: *Education is the movement from darkness to light.* – Ўзб.: *Илмли уй – чарогон, Илмсиз уй – зимистон. Илм – ёруғлик, Жаҳолат – зулмат.*; “Г” гуруҳга мансуб Engl.: *An educated person is respected everywhere.* – Ўзб.: *Илмли одам – иликли суяк*; “Д” гуруҳга мансуб Engl.: *Education without thinking does not go very far.* – Ўзб.: *Диққат илмнинг макони.*

Инглиз ва ўзбек тили таркибида *teacher/ўқитувчи ва муаллим* концептли мақолларда қуйидагича мазмун ифода этиляпти. А) ўхшатиш; б) инкор; в) обрў каби. “А” гуруҳга мансуб Engl.: *Teacher, Like/ like pupil.* – Ўзб.: *Устози қандай – шогирди шундай*; Engl.: *Mother and Father are the first and the best teachers.* – Ўзб.: *Илм устози – ота мақомида, Хунар устози – она мақомида.* “Б” гуруҳга мансуб Engl.: *All men cannot be masters.* – Ўзб.: *Устанинг ҳаммаси ҳам устоз бўлмас*; Engl.: *We cannot all be masters.* – Ўзб.: *Жаллоднинг намоз ўқишидан, Фафлат уйқусида ётгани яхши*; “В” гуруҳга мансуб Engl.: *The sheik cannot fly, but his disciple lets him fly.* – Ўзб.: *Устознинг донги шогирди билан.*

Диссертациянинг **“Инглиз ва ўзбек тилларининг паремиологик фондида “таълим” ва “илм” концептли мақолларнинг чоғиштирма таҳлили”** деб номланган иккинчи боби 6 параграфдан иборат. Биринчи фасл **“Мақол маъноларида миллий ва универсаллик хусусиятлари”** деб аталади. Мақолшунос олимлар томонидан узоқ йиллардан бери мақоллар миллий хусусиятга эгами, улар маълум бир халқнинг турмуш тарзини ифодалайдими ёки йўқми, деган фикрларга долзарб муаммо сифатида қаралиб келинмоқда.

Биз ушбу параграфда миллийлик ва универсаллик хусусиятига эга бўлган мақолларни таҳлил қилдик. Мисол, инглиз халқини миллийлигини билдирувчи мақол. *April showers bring May flowers. Апрель ёмғирлари Май гулларини келтиради.* Ўзбек халқини миллийлигини билдирувчи мақол. *Ўзбекка салом бердим, ўн танга товон бердим.* Бу паремада ўзбек лексемаси иштирок этган. Демак, бу парема ўзбек халқига, миллатига тегишли эканлигидан далолат бериб турибди. Икки этнос учун ҳам универсалликни билдирувчи мақол. Ингл. *Knowledge is power.* – Ўзб. *Билим – бу куч.* Мақол маъноларида халқнинг миллийлигини билдирувчи мақоллар билан бир қаторда универсаллик маъноларини билдирувчи мақоллар ҳам борлиги аниқланди.

Бобнинг иккинчи параграфи “*Инглиз ва ўзбек мақолларининг эквивалентлик даражаси*” деб аталган. Халқ мақолларини чоғиштиришда ўша этноснинг қарашларидан келиб чиқиб, бошқа бир тилга кирилаётган мақолнинг тўлиқ маъносини очиб бера оладиган шу тилнинг лексик фондида мавжуд бўлган мақолларни энг мос вариантини танлаб олиш талаб этилади. Илмий тилда эса энг мос вариантини танлаб олиш *эквивалент* ҳодисаси деб аталади. Шу жиҳатдан эквивалентлик ҳодисаси қуйидаги эквивалентликка бўлинади (1-расмга қаранг):



1- расм. Эквивалентлик даражаси

